

118283

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Қашқадарё минтақавий йулларга буюртмачи хизмати”

ДУК директори

Ф.Тожибоев



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

СССI. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

СССII. Техник қисм

СССIII. Танлов ва таклиф

СССIV. Тақдим қилинадиган ҳужжатлар

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТЕ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмента: **Муборак тумани Истиклол МФЙ Муборак, Машъал, Аланга, Тиббиёт, Бинокорлар кўчаларини жорий таъмирлаш (5,0 км) жорий таъмирлаш бўйича ЛСХ ишлаб чиқиш, муаллифлик назоратини олиб бориш ва экспертиза хулосаси олиш учун**

1.227. Танловнинг юқори қиймати – **33 000 000 (Ўттиз уч миллион) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Смета лойиха ҳужжатларини 2 кун мобайнида ишлаб чиқиш зарур.

1.228. Хизмат бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.229. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

452. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2 1. “Қашқадарё минтақавий йулларга буюртмачи хизмати” ДУК (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистан Республикаси, Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар, Хонобод ва А.Навоий чоррахаси 66 уй. адрес: Qashqadaryo_MUBX@.uz

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

452.2. Танлов Қарши шаҳри ва А.Навоий чоррахаси 66 уй Қашқадарё Минтақавий йулларга буюртмачи хизмати ДУКда “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

452.3. Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) қадар тижорат таклифлари қабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш мақсадида харид

амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йиғилиши (эълон якун куни билан 11⁰⁰ да амалга оширилади)).

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предметида иштирокчининг кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлари;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар;

танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мужалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

Низом маблаги, миқдори.

3.2. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак,

- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

455. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.301. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга қадар қабул қилиши ёки узайтириши мумкин.

5.302. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.303. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

5.304.

456. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.226. Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.227. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.228. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

457. БОШҚА ШАРТЛАР

7.301. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.302. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.303. Таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.304. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади